

ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА АЪЗОЛИКНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТИЗИМЛИ ИСЛОҲОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 14 май куни Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни ва уни жадаллаштириш чора-тадбирлари бўйича тақдирот билан танишди.

Давлат раҳбарининг алоҳида назорати асосида 2023 йилдан бошлаб ЖСТга аъзо бўлиш чоралари кўрилмоқда. Ўтган даврда кўп ва икки томонлама музокараларда муайян натижаларга эришилди.

Жумладан, Ишчи гуруҳининг тўртта муҳим йиғилиши ўтказилиб, 500 дан ортиқ масалалар кўтарилди, 30 дан зиёд расмий ҳужжатлар ЖСТ Котибиятига тақдим этилди. Аъзоликни жадаллаштириш мақсадида соҳаларда тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, 33 та мамлакат билан бозорга кириш бўйича икки томонлама музокаралар олиб борилиб, бугунги кунга қадар 24 таси билан музокаралар якунланди.

ЖСТ аъзолари билан мулоқотда янги ёндашув ва ислоҳотлар натижалари ижобий баҳоланмоқда. Бу ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиш жараёнида очиқлик, шаффофлик ва адолатли савдога бўлган қатъий интилишни тасдиқлайди.

Шу маънода, миллий қонунчиликни ташкилот талабларига уйғунлаштириш доирасида кенг кўламли ҳуқуқий ва институционал ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, 13 та қонуни, Президентнинг 10 та фармони ва қарори, 19 та Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва 10 та идоралараро норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Жумладан, божхона тартиботлари, экспорт-импорт қоидалари ҳамда интеллектуал мулк соҳасидаги механизмлар босқичма-босқич ЖСТ стандартларига мослаштирилди, давлат улуши мавжуд бўлган 6 та корхонада эксклюзив ҳуқуқлар бекор қилинди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан ЖСТга аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштириш ҳамда уни сифатли ва тизимли ташкил этиш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Унга қўра, жорий йилда қолган 9 та мамлакат билан икки томонлама музокараларни якунлаш, Ишчи гуруҳининг 2 та йиғилишини ўтказиш ҳамда Ишчи гуруҳнинг ҳисобот лойиҳасини якунлаш орқали Ўзбекистоннинг ЖСТ доирасидаги мажбуриятларини тўлиқ шакллантириш вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Шунингдек, қонунчиликни ташкилот талабларига мослаштириш доирасида 15 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнини жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди. Жумладан, “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”, “Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида” янги тахрирдаги қонунларни қабул қилишни тезлаштириш ҳамда бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси билан яқиндан ва самарали ҳамкорликни таъминлаш Президент томонидан муҳим вазифа сифатида белгилаб берилди.

Техник жиҳатдан тартибга солиш, санитария, фитосанитария ва ветеринария соҳаларини ислоҳ қилиш, ушбу йўналишларда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш кераклиги алоҳида қайд этиб ўтилди.

ЎЗА

РЕНОВАЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ПОЙТАХТ АРХИТЕКТУРАСИ ВА ИНФРАТУЗИЛМАСИГА МОС БЎЛИШИ ЗАРУР

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида режалаштирилган реновация ва инвестиция лойиҳалари тақдироти билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 декабрдаги қарори билан Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бош режаси тасдиқланган эди. Бош режага қўра, пойтахтимиз ҳудуди 3 та — консервация, реконструкция ва реновация зоналарига ажратилган.

Жумладан, реновация зонасига эски, кам қаватли уйлар, шаҳарсозлик ва зилзилабардошлилик талабларига жавоб бермайдиган бинолар киритилган. Улар босқичма-босқич бартараф этилиб, бўшатиш ҳудуд замонавий лойиҳалар асосида қайтадан қурилиши кўзда тутилган.

Тақдиротда бу борадаги режалар ҳақида ахборот берилди.

Қайд этилганидек, Бош режада 300 дан ортиқ реновация манзили белгиланган. 2025-2026 йилларга мўлжалланган биринчи босқичда 65 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бу орқали мазкур ҳудудлар функционал жиҳатдан бойитилади, аҳоли учун шароитлар яхшиланади, атроф ободонлаштирилади. Натижада эски ва замонавий мавзелар орасидаги тафовут босқичма-босқич қисқартириб борилади ҳамда улар ўзаро уйғунлаштирилади. Бинолар кам майдонда қурилиб, мавжуд дарахтар сақлаб қолинади, янги яшил ҳудудлар барпо этилади.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳаларнинг шаҳар архитектураси ва инфраструктурасига мослигини чуқур ўрганиш, геологик ва сейсмик таҳлиллар асосида хавфсизлик жиҳатидан такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Турар жойлар мактаб-боғча каби ижтимоий муассасалар, дам олиш шароитлари билан ҳамма ҳаётини зарурлигини таъкидлади.

Шаҳарнинг “ўпқаси” дарахтзорлар бўлса, ариқ ва каналлар унинг “қон томир”и.

ЎЗА

15 май — Халқаро оила куни ОИЛА — ФАРОВОН ЖАМИЯТНИНГ ИЛК БЎҒИНИ

Ҳар қандай инсон учун муҳим ва муқаддас қадрият бу — унинг оиласидир. Соғлом ва мустаҳкам оила — давлат таянчи ва жамиятнинг асосий бўғинидир. Каттага ҳурмат, кичикка иззат, одампийлик, меҳр-оқибат, она Ватанга муҳаббат ва садоқат каби олижаноб ғазилатлар аввало оилада қарор топади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Оила — жонажон Ўзбекистонимизда ва бутун дунёда инсон ҳаётининг меҳвари, яшаш саодатининг шукуҳи ва умр мазмуни бўлган ноёб қадрият. Шарқона қарашларимизда ҳам бу қадрият улуғланиши, асрлар давомида асралиб, заволга юз тутмай келишининг боиси ҳам оиланинг халқимиз учун ҳамisha авлоддан авлодга ўтувчи маънавий мерос, асида, ўзига хос мактаб, маънавий хазина бўлиб қолганида.

Оила ва унинг маънавий устуни бўлган хотин-қизлар билан ишлаш борасида биргина 2025 йилнинг ўзида соҳага доир 6 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “Оила кичик ватан, оила тинч бўлса, бахтли бўлса, ватан тинч бўлади”. Дарҳақиқат,

оила қадрияти ҳар қандай халқ, давлатнинг асосий кучи ва ижтимоий-маърифий қудрати тисмоли. Оилалар мустаҳкам ва тотув бўлган юрт тараққий этади, фаровон бўлади, одампийлик, умуминсоний ғазилатлар ва юксак қадриятлар гуллаб-яшнади.

Давоми 3-бетда

Вунёдорлик ШАҲАРСОЗЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

БОБУР ВА АЛ-ХОРАЗМИЙДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШУКУҲИ НАМОЁН



Яқин-яқингача бизда, айниқса, пойтахтда ўз уйига эга бўлиш ушалмас орзу эди. Уй сотиб олиш катта воқелик саналарди. Кам таъминланган оилаларни қўя турайлик, доимий даромадга эга давлат ишчиларининг ҳам кичик ватанга эга бўлиши катта машаққат бўларди. Муаммонинг урчишига, биринчи навбатда, пойтахт, вилоят ва туман марказларида янги турар жойлар кам қурилиши, мавжудлари ўта қиммат экани сабаб эди. Ҳаётини бирламчи эҳтиёж — уй-жойга эга бўлолмаслик эса одамларнинг турмушига, кайфиятига таъсир қилмасдан қолмасди.



Халқимиз ташвишини аритиш, ҳаётдан рози бўлиб яшашини таъминлашни ўзининг бирламчи мақсади деб билган давлатимиз раҳбари Президентлигининг илк ойларидаёқ бу муаммони бартараф этишга киришди. Том маънода йўқолиб бораётган шаҳарсозлик тубдан ислоҳ қилиниб, ҳашаматли бинолар эмас, одамлар учун замонавий, қулай, шинам кўп қаватли уйлар бунёд этишга топшириқ берилди. Арзонлаштирилган уй-жойларни кам таъминланган фуқаролар харид қила олиши учун имтиёзли ипотека кредитлари, субсидия ажратиш тизими йўлга қўйилди.

Давоми 2-бетда

МАБЛАҒ ЕТАРЛИ, ЛЕКИН СИФАТГА ЭЪТИРОЗ БОР

Саломатлик — инсон учун энг улуғ неъмат. Юрт тинчлиги, жамият тараққиёти ва оила бахти — барчасининг асосида, аввало, соғлом инсон туради. Шу боис, мамлакатимизда аҳолини тиббиётдан рози қилиш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, бирламчи тиббий-санитария ёрдамида такомиллаштириш ва аҳолига яқинлаштириш борасида тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Давлат томонидан тиббиёт тизимини ислоҳ қилиш, аҳолини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олишга қаратилган шунча эътибор ва имкониятларга қарамай, тизимда ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар талайгина. Бу масалалар жорий йил 7 май куни Президентимиз раислигида тиббиётнинг бирламчи бўғини ва ихтисослашган муассасаларда хизматлар сифатини ошириш, дори истеъмолини тартибга солиш ҳамда тиббий таълимни такомиллаштириш борасида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам қайд этилди.

Давоми 2-бетда



Таҳлил ЎЗБЕКИСТОН ЭНЕРГЕТИКА БОЗОРИ ГЛОБАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛМОҚДА

ЙИРИК ХАЛҚАРО ТАДБИР БУ БОРАДАГИ ИШЛАРНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРАДИ

Кейинги бир неча ойда юртимизда анъанавий ўтказилаётган йирик халқаро кўргазмалардан бири — Ўзбекистон энергетика ҳафталигига жиддий тайёргарлик кўрилди. Одатдагидек бизнес ва минтақавий мулоқот майдонига айланадиган халқаро тадбирда иштирок этиш учун турли мамлакатлардан кўплаб компания вакиллари, машҳур брендлар, ёнилғи-энергетика соҳасининг етакчи гигантлари катта қизиқиш билдирган. Бугун Ўзбекистон энергетика соҳасидаги ўзлам ислоҳотлари билан жаҳон ҳамжамияти эътиборини тортмоқда.



Пойтахтимиздаги САЕх халқаро кўргазмалар майдонида 13-15 май кунлари ўтказилаётган Ўзбекистон энергетика ҳафталиги бунинг яна бир исботи. Унда сайёрамизнинг бугунги ва эртанги куни учун яратилаётган хавфсиз энергетиканинг энг янги технологиялари, замонавий ёндашув ва инновациялари, илгор ечимлар намоиш этилмоқда. Австрия, АҚШ, Афғонистон, БАА, Бела-

русия, Буюк Британия, Германия, Грузия, Дания, Италия, Франция, Хитой, Тожикистон, Туркменистон сингари 30 зиёд давлат вакиллари ҳафталик тадбирларида қатнашапти. Кўргазма майдонида 465 та компания ва бренд, 120 дан ортиқ спикер, 1420 делегат жам бўлди.

Давоми 4-бетда



МАБЛАҒ ЕТАРЛИ, ЛЕКИН СИФАТГА ЭЪТИРОЗ БОР



Бошланиши 1-бетда

— Видеоселекторда белгилаб берилган устувор вазибалар, жумладан, жойларда касалликлар профилактикаси, уларни эрта аниқлаш ва даволаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг жорий этиш, соҳадаги рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиш, — дейди Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Маҳмудасул Умаров. — Мамлакатимизда “Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар” дастури эълон қилинди. Унинг доирасида ҳар бир тиббиёт муассасаси кутиш жойидаги қулай ўриндиқларни қўлайтириб, навбатни тартибга келтириш, “она-бола” хоналарини очиб, ногиронлиги борлар эркин ҳаракатланиши учун кириш-чиқиш жойлари, хона ва йўлақларда инклюзив муҳит яратиш, қўл ювишга иссиқ суви бор, покиза ҳожатхоналар ташкил этилиши белгиланди. Маҳаллаларда бирламчи бўғиннинг ўрни сезилмаётгани боис, касалланиш ва оғир асоратлар қамаймаётгани қаттиқ танқид қилинди. Шу сабаб энди маҳаллада битта бўлса ҳам инфаркт, инсульт, оналар ва болалар эрта ўлими, сурункали касаллик туфайли ортирилган ногиронлик фавқолда ҳолат сифатида баҳоланиши, тиббий бригадалар иш самарадорлигини баҳолашда биринчи галда маъмур жихатга эътибор қаратилиши қайд этилди. Бу, ҳеч шубҳасиз, аҳоли саломатлигини сақлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда бекиёс ўринга эга. Ушбу танқидлардан тўғри хулоса чиқариб, бор эътиборимизни халқимизни тиббиётдан рози қилишга қаратамиз.

Маъмур жихатда белгиланган устувор вазибалар ижроси ва тиббиёт тизимини ислоҳ қилишга оид “йўл хариталари”га мувофиқ, Туркиянинг илғор тажрибаси асосида аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг янги модели жорий этилмоқда.

— Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини трансформация қилишда илғор халқаро тажрибадан кенг фойдаланилмоқда, — дейди Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Хуришд Саидов. — Хусусан, бу соҳадаги ислохотлар самарадорлигини ошириш мақсадида Туркиядан бир гуруҳ мутахассис жалб этилди. Улар тизимдаги ислохотларни чуқурлаштириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш ҳамда соҳада иш самарадорлигини ошириш мақсадида барча бўғиндаги тиббиёт муассасаларида ўрганиш олиб борди. Шу асосда тайёрланган таҳлил, тақлиф ва тавсиялар умумлаштирилиб, тизимни босқичма-босқич такомиллаштиришга оид қисқа, ўрта ва узоқ муддатли “йўл хариталари” ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши режалаштирилган.

Ҳар бир вилоятдан биттадан туман аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг Туркия тажрибасига асосланган янги моделига ўтмоқда. Жумладан, 2025 йил 1 июлдан бошлаб ушбу модель тажриба-синов тариқасида Жиззах вилояти Ғаллаорол туманида жорий қилинади.

Ушбу туман танлангани бежиз эмас. Ғаллаорол вилоятнинг энг йирик тумани бўлиши билан

бирга аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражаси ҳам бошқа ҳудудларга қараганда бирмунча юқори. Бугун тумандаги 190 мингдан зиёд одамга 26 та тиббиёт муассасаси хизмат кўрсатади. Жумладан, ҳудудда 10 та маҳалла тиббиёт пункти, 11 та оилавий шифокорлик пункти, 3 та оилавий поликлиника, 1 та кўп тармоқли марказий поликлиника ва 1 та туман марказий шифохонаси фаолият юритмоқда.

Янги тизимда тумандаги тиббиёт муассасалари сони 35 тага етказилиб, инфратузилма янада кенгайтирилади. 10 та маҳалла тиббиёт пункти оилавий поликлиникалар филиалига айлантирилади. Учаси учун янги бино қуриб берилади. Бу орқали тиббий хизмат аҳолига янада яқинлаштирилади.

— Янги моделда ижобий ўзгаришлар жуда кўп, — дейди Хуришд Саидов. — Кадрлар сиёсати ҳам тубдан ўзгаради. Энди ишга ярим ставка ёки ўриндошлик асосида эмас, тўлиқ ставкада, масъулиятни тўлиқ ўз зиммасига оладиган ходимлар қабул қилинади. Бу меҳнат самарадорлигини ошириш билан бирга тиббий хизмат сифатига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Бунда тиббиёт ходимларининг моддий рағбатлантирилиши муҳим. Масалан, махсус сертификатга эга бўлиб, билим ва кўникмасини намоеъ этган оилавий шифокорлар ойлик маошига 200 фоиз устам олиш имконига эга бўлади.

Янги тизим доирасида лаборатория хизмати марказлаштирилади. Бу таҳлил натижаларининг аниқлиги ва тезкорлигини таъминлайди. Стоματοлогия хизмати аутсорсинг асосида ташкил этилади. Натижада хусусий сектор билан самарали ҳамкорлик қилиш имкони вуҷудга келади.

Қўзда тутилётган энг муҳим янгилликлардан яна бири тиббиёт бригадаси ҳамда аҳоли ўртасида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи битим тузилишидир. Бу билан аҳоли оилавий шифокорни эркин танлаши белгиланган. Фуқаронинг мурожаати орқали оилавий шифокор ёки тиббиёт бригадаси давлат бюджетли маблағ ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳамда бепул хизмат кўрсатади. Шошилинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш бундан мустақило. Кафолатланган пакетга киририлмаган қўшимча тиббий ёрдам ҳамда оилавий шифокор ёки тиббиёт бригадаси йўлнамаси мавжуд бўлмай, тўғридан тўғри мурожаат қилган фуқароларга пули тиббий ёрдам кўрсатилади. Бу билан оилавий шифокорнинг мақомини ошириш кўзда тутилган.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига аҳолини кенг жалб қилиш орқали вилоят ва мамлакат даражасидаги тиббиёт муассасаларининг юкламасини 85 фоиз қамайтириш мумкин.

Давлатимизнинг тизимга эътиборини сўнгги 7 йилда тиббиётга ажратилаётган маблағ 6 карра ошгани ва жорий йилда 42 триллион сўмга етганидан ҳам билса бўлади. Бошқа соҳаларга таққослаганда бу анча кўп. Демак, маблағ етарли, лекин сифатга эътироз бор.

Тизимга ўзгаришлар киритишдан кўзланган асосий мақсад ҳам шу — сифатни кўтариш. Тажриба-синов тариқасида жорий этилаётган янги тизим бирламчи тиббий-санитария сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиб, тиббий муассасалар юкламасини қамайтиришга ва энг муҳими, халқнинг розилигини таъминлашга хизмат қилади.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ИНКЛЮЗИВ БАНДЛИК

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛГАН ТАДБИРКОРГА СУБСИДИЯ БЕРИЛАДИ

Жамиятда инсон ҳуқуқлари деган олий тушунча бор. Бу ҳар бир инсон яратилган шароит ва имкониятлардан барча қатори тенг фойдаланишга ҳақли эканини аниқлатади. Биз қураётган ижтимоий давлатнинг моҳияти ҳам аслида шу. Яъни, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш демакдир.

Маълумотларга кўра, ҳозир дунёда ногиронлиги бўлган бир миллиарддан ортиқ инсон яшайди. Уларнинг кўпчилиги турли тўсиқлар сабабли ўқишга, ишга қатнашга, жамиятда ўз ўрнини топишда қийинчиликларга дуч келмоқда.

Албатта, бу борадаги муаммоларни бартараф этиш, ногиронлиги бор шахсларни ижтимоий ҳаётга интеграция қилиш бўйича сезиларли ишлар қилинди. Хусусан, сўнгги йилларда юртимизда имконияти чекланган фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги давлат сиёсати янги босқичга кўтарилмоқда.

Бу жараёнда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, орзу-истакларини рўёбга чиқариш бўйича муайян ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, уларга бошқа фуқаролар билан тенг равишда ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш имкониятини берувчи қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик янада такомиллаштирилди.

Айни соҳада шиддатли тус олган амалий ҳаракатлар натижасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятда мавжуд имкониятлардан фойдаланиш, ҳаракатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, бандлик, реабилитация, ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш билан боғлиқ ҳуқуқлари таъминланяпти.

Конституцияимизда меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифалари ҳуқуқлари давлат ҳимоясида экани, давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиши, ишга жойлаштиришга, таълим олишига қўмаклашиши, уларга зарур ахборотни тўқсинликсиз олиш имкониятини таъминлаш белгилаб қўйилгани юртимизда инсон манфаатлари ҳамма вақт давлатнинг эътиборида эканидан далолат беради.

Шунга қарамай, бундай фуқаролар ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда фаол қатнашиши учун “тўсиқсиз муҳит”, яъни қулай шароит яратиш, уларнинг бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга зарурат бор.

Жамият бундай кишиларни борица қабул қилиб, таълимда ҳам, бандлик масаласида ҳам тенг муносабатни тизимли ташкил этса, мамлакатда инсон ҳуқуқлари кафолати тўлақонли таъминланган бўлади.

Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган инсонлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни жамият ҳаётига жалб этишда муҳим қадамлар ташланмоқда.



“**Фармонга кўра, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига 50 миллион сўмгача субсидия берилади. Субсидия сурдотаржимон, психолог ва ҳамроҳлик хизматини ташкил қилиш харажатларини қоплаш учун ажратилади. Шунингдек, жисмоний шахсларга ҳамроҳлик хизматини ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида кўрсатишга рухсат берилади. “Ягона миллий ижтимоий химоя” ахборот тизимида Меҳнатга лаёқатли ногиронлиги бўлган шахсларнинг электрон регистри юритилади.**

Кўриниб турибдики, ногиронлиги бор кишилар учун жамиятда янада яхшироқ муҳит яратилади. Бундай инсонлар ишлайдиган ташкилотда сурдотаржимон, психолог ва ҳамроҳлик хизмати ташкил этилишининг ўзи уларни яқиндан туриб қўллаб-қувватлаш учун катта имкониятдир. Шу орқали бундай кишилар жамиятнинг бир қисмига айланиб, кўникма ва қизиқишларини ривожлантиради. Энг муҳими, бу уларнинг иқтисодий ҳолати учун жуда фойдали бўлади.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар учун ҳаётнинг барча жаҳаларида камситилмасдан, жамиятнинг бошқа аъзолари билан тенг равишда иштирок этиш учун имкониятлар яратилиши муҳим. Бу, албатта, инклюзив бандликка оид турли муаммоларни бартараф этишга таъсир қилади.

Равшан ФОЗИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

ШАҲАРСОЗЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

БОБУР ВА АЛ-ХОРАЗМИЙДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ШУКУҲИ НАМОЁН

Бошланиши 1-бетда

Амалий ҳаракатлар натижасида дастлаб шаҳарларимиз кўрмага кўрк қўшган кўп қаватли уйлар қад ростлаган бўлса, кейинчалик тўлиқ инфратузилмага эга “Янги Ўзбекистон” массивлари пайдо бўла бошладилар. Ушбу манзилларда уйлар билан бирга мактаб, болча, шифохоналар ҳам қурилиб, болалар майдончаси, “яшил белбоғлар” ташкил этилди. Сўнгги уч йилда мамлакатимиз бўйлаб кўп қаватли 4 минг 920 та уй қад ростлаб, 221 мингдан ортиқ хонадон фойдаланишга топширилган фикримиз тасдиғидир. Уй-жой қуриш ҳажми йил сайин кенгайиб боради. Масалан, 2022 йилда 56 минг 115 та хонадонли 1 минг 433 та уй қад ростлаган бўлса, 2023 йилда 1443 та, 2024 йилда 2 минг 44 та кўп қаватли турар жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жорий йилда бу кўрсаткич янада ортиб, 135 минг хонадонга етказилади.

“Янги Ўзбекистон” массивлари билан бир қаторда ҳудудларда шаҳар ва шаҳарчалар барпо этиляпти. Бунинг ёрқин мисоли янги пайтда қурилиши жадал давом этаётган Янги Тошкент шаҳри, Андижон ва Хоразм вилоятларида барпо этилган кичик шаҳарлардир.

Бу ерда баркамол авлод улгайди

Давлатимиз раҳбари шу йил 15-16 апрель кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида аҳоли билан мулоқот қилиб, уларнинг ўй-хаёли, дарду ташвишларини тинглади. Вилоятдаги ислохотлар, бунёдкорлик ишлари



билан танишди. Шундан сўнг Янги Андижон шаҳарчасига Заҳририддин Мухаммад Бобур шарафига Бобур номини беришни тақлиф қилди. Бобур жаҳон тарихида камдан кам учрайдиган беназир, улуг зот экани, унинг шарафига нафақат кўча ва майдонлар, бوغ роғлар, балки алоҳида шаҳар бўйида эътибор билинди. Андижонликлар бу тақлифни катта мамнуният ва хурсандчилик билан кутиб олди.

Андижон вилоятида йирик бунёдкорлик ишлари бошланишида ўзига хос сабаб бор. Чунки вилоят ҳудуд жиҳатидан кичик бўлсада, унда Ўзбекистон аҳолисининг 10 фоизга яқини истиқомат қилади. 2021 йилда давлатимиз раҳбари Янги Андижон шаҳарчасига тамал тошини қўяётганда вилоятдаги уй-жой муаммосини ҳал қилиш учун икки-уч йилдан буён уйланиб юрганини айтганди. Чунки вилоятда ер кам, уйга талаб йиллар давомида тўпланиб қолганини қайд этганди. Бир хонадонда бир неча оила яшаётгани туфайли янги шаҳар қуришга киришिलाётганини билдирганди. Бугун ана шу фикр асосидаги ишлар авж паллага кирган. Вилоятда янги, замонавий, кўркам шаҳар бўйи кўрсатмоқда.

Тўрт минг гектар майдонда қуриляётган Бобур шаҳри 500 минг аҳоли муносиб яшashi ва ишлаши учун барча шароитларга эга бўлиши кутилмоқда. Бу шаҳардан ҳақиқий бобурийлар етишиб чиқиши учун бобомиз номи билан атабдиган ихтисослашган болча ва мактаб, университет, музей, кутубхона ва IT



паркдан иборат йирик таълим кластери барпо этилади. Олийгоҳ таркибига энг юқори талабларга жавоб берадиган спорт комплекси ҳам қурилади.

Ушбу эзгу мақсадларни амалга ошириш учун катта дастур қабул қилиниб, 250 миллион долларлик дастлабки капиталга эга бўлган жамғарма ташкил этилиши назарда тутилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, шаҳарнинг ҳар ерида янги Ўзбекистон руҳи кезиб юради. Худди шундай шаҳарча Ал-Хоразмийдир. Давлатимиз раҳбари шу йил 1-2 май кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида маъмур

шаҳарчининг қурилиш жараёнларини кўздан кечирди.

Шаҳарчага 2022 йилнинг август ойида пойдевор қўйилганди. Унда кўп қаватли, 5 мингдан ортиқ хонадонли жами 143 та уй-жой бунёд этиляпти. Шундан 72 та хонадонли уй ўз эгаларига топширилган. Шунингдек, бу ерда 8 минг ўринли Ал-Хоразмий университети, 1,4 минг ўринли ётоқхона, 4 та мактаб, 5 та мактабгача таълим ташкилоти, соғлиқни сақлаш, IT академия ва унинг ётоқхонаси, технопарк, рақамли вазиятлар маркази ҳамда бошқа ижтимоий соҳа объектлари қурилиши кўзда тутилган.

Ҳар икки шаҳарчада маҳаллий аҳоли учун барча қулайлик ва замонавий шароитлар мўлжалланган бўлади. Одамларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун бог, буюк боболаримизнинг номини абадийлаштириш мақсадида уларнинг ҳайкаллари тикланмоқда. Айниқса, ёшларнинг таълим олишига керакли барча қулайликлар яратилмоқдаки, келгусида бу шаҳарчалардан Бобуру Ал-Хоразмий каби буюк инсонлар вояга етиб, давлат ва жамият тараққиётига ҳисса қўшсин.

Ўзгаришлар фақат сонда эмас

Тарихнинг қай бир саҳифасини varaқламанг, мамлакатимиз ўзининг бунёдкорлик ишлари, шаҳарларимиз эса маҳобатли иморатлари билан олам аҳлини дол қолдириб келган. Буюк бобомиз Амир Темуру “Ағар бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурдирган иморатларга боқинг”, дея хи-тоб этиши ҳам халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятидан далолат беради.

Кейинги йилларда мамлакатимизда бунёдкорлик ишлар нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам янги босқичга кўтарилмоқда. Жумладан, 2024 йил 100 та шаҳарсозлик нормаси ва қондаси Адлия вазирлигининг ижобий хулосаси асосида ҳисобга олинди. Манзилли рўйхатга кўра 56 та стандарт тасдиқланди.

2025 йилда манзилли рўйхатга асосан 29 та шаҳарсозлик нормаси ва қондаси ишлаб чиқишли режалаштирилган. Қурилиш соҳасига доир 300 дан ортиқ стандарт

халқаро ташкилотлар, хусусан, Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мослиги бўйича таҳлил қилинади.

Ўзбекистон стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот — ISOнинг 6 та техник қўмитасига кузатуви сифатида, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро кенгаш (МГС)нинг 3 та техник қўмитасига тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинди.

Бу, албатта, бизнинг бунёдкорлик, шаҳарсозлик бўйича катта тажрибага эга бўлиб бораётганимиздан далолат. Халқаро ташкилотларнинг стандартларига мос бино-ишоотлар қўпайиши келгусида юртимиз мутахассисларининг хорижий давлатларда талабдорлигини оширади.

Бу борада Президентимизнинг шу йил 14 апрелдаги “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида давлат назоратини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки фармонда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалигини назорат қилишни рақамлаштириш орқали соҳанинг шаффофлиги ва ишончлилигини янада ошириш назарда тутилмоқда. Хусусан, 2025 йил 1 сентябрдан ҳар бир қуриляётган объектнинг QR-кодли паспорти жорий қилинади. Бу орқали шаҳарсозлик субъектлари, қурилиш муддатлари, шаҳарсозлик ҳужжатлари ва тасдиқланган экспертиза хулосалари ҳақидаги маълумотларни олиш имконияти вуҷудга келади. Шунингдек, қурилиш объектларини онлайн кузатиш маркази ташкил этилади. Бу янгиланишлар қурилиш соҳасидаги “яширин” иқтисодий, қонунчиликни четлаб ўтиш ва фибригарлик каби ҳолатларнинг олдини олади.

Аҳолини замонавий, шинам ва сифатли уй-жой билан таъминлаш уларнинг келажакка ишончини мустаҳкамлайди. Қўнглига хоттиржамлик беради. Бу, ўз навбатида, юртдошларимизда янги Ўзбекистон шукҳуи билан яшаш ва жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўлиши туйғусини уйғотади.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК, “КАМБАҒАЛЛИКДАН ФАРОВОНЛИК САРИ” ТАМОЙИЛИ АСОСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ БАНДЛИГИ ВА ТАДБИРКОРЛИГИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ Бўйича Йирик Амалий Ишлар Қилинмоқда. Жумладан, Оилавий Тадбиркорлик Дастури Асосида 200 Мингга Яқин Хотин-Қизга 3,3 Триллон Сўмдан Ортиқ Кредит ажратилган.



15 май — Халқаро оила куни



ОИЛА — ФАРОВОН ЖАМИЯТНИНГ ИЛК Бўғини



Зулайҳо МАҲКАМОВА, Бош вазир ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси

Бошланиши 1-бета

Ўзбек оилалари ўзига хос миллий мезон ва бебаҳо инсоний мерослар мужассам қадрият масканидир. Шу боис, оилани асраш бутун миллатни, унинг жами маърифий қирралари, мезонларини асраш деганидир.

Шу маънода, жойларда ҳар бир оилга етиб бориш ва манзили ишлаш мақсадида республикадан маҳаллага қадар вертикал тизим жорий қилинди. Оилалар фаровонлигини таъминлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлашда таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик ва бошқа барча жабҳада ислохотлар бутун амалий натижаларини бермоқда.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси-ни амалга ошириш борасида ҳам оилавий, миллий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича концептуал вазибалар белгилаб берилди. Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида “Инсонга инсонпарварлик, яхши хулқ, таълим-тарбия ва умуман, яхши хислатларни ўргатуви мактаб бу — оиладир”, деб оилга ижтимоий мақом берилди.

Ана шу юксак қадриятни, кичик ватанимизни янада улуғлаш, асраб-авайлаш ҳамда юксалтириш мамлакатимиздаги ислохотларнинг туб моҳиятини ташкил этмоқда. Бутун мамлакатимизда 10 миллион 300 мингдан ортиқ оила мавжуд. Шундан 5 миллиондан кўпроғи ёш оилалардир. Мана шуларнинг ҳар бирига давлат эътиборида эканини ҳис эттириш, айниқса, оилалар бағрида яшаётган аёллар, фарзандларимизга алоҳида меҳр ва эътибор кўрсатиш барча давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг энг асосий йўналишига айланди.

Мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш йўлида улкан

ўзгаришлар даври кечмоқда. Янги маънавий макон яратиш, янги Ўзбекистоннинг ахлоқий қиёфаси ривожига оила ва никоҳ муносабатларининг ўрни ҳар қачонгидан муҳим. Халқимизда “Қуш уясида кўрганини қилад” деган мақол бор. Демак, тарбия оиладан бошланади. Сўзсиз, биринчи тарбиячи ота-онадир.

Мамлакатимизда оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ҳар томонлама ҳимоя қилиш масаласи янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 76-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Бу борадаги ишларни қисқа сарҳисоб қилсак, оилани ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари” каби ижтимоий дастурлар жорий этилган, биргина 2024 йилда “Аёллар дафтари” тизими орқали салкам 1 миллион эҳтиёжманд аёлга ёрдам берилганини қайд этиш лозим.

Бундан ташқари, оилавий тадбиркорлик, “Камбағалликдан фаровонлик сари” тамоийли асосидаги ислохотлар натижасида хотин-қизларнинг бандлиги ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича йирик амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, оилавий тадбиркорлик дастури асосида 200 мингга яқин хотин-қизга 3,3 триллон сўмдан ортиқ кредит ажратилган.

Оилга гамаҳўрлик қилиш сиёсати натижасида 2021 йилдан бошлаб уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 2790 оиланинг арзон уй-жой учун сотиб олиши учун 49,7 миллиард сўмлик бошланғич бадал пули тўлаб берилди.

Битта қизни ўқитсак, бутун оилга таълим берган бўламиз. Агар оила билимли, маърифатли бўлса, жамиятнинг олиги, маданий даражаси ҳам юксалади.

Юртимиздаги 200 дан зиёд ОТМ талабаларининг 52 фоиздан ортиғи (783 минг) хотин-қизлардир. Ўтган йилнинг ўзида магистратурада ўқиётган 15 мингга яқин хотин-қизнинг 100 миллиард сўмга яқин контракт пули тўлаб берилди.

Хотин-қизларнинг таълим олиш имкониятини кенгайтириш, бу борада эҳтиёжманд оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2020-2024 йилларда эҳтиёжманд оилалардан бўлган 10 мингга яқин хотин-қиз олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. 2022-2024 йилларда 397 мингга 7 йил муддатга фойсиз 4,3 триллон сўм таълим кредити ажратилди. Бу каби йирик рақамлар нимадан далолат? Албатта, давлат томонидан оилани қўллаб-қувватлашга қаратилган улкан ислохотларнинг амалий натижасидир. Айни пайтда эътироф этилаётган 2000 та “Ибратли оила” ушбу механизмлар маҳсули.



Қонунчилигимизда оила ҳуқуқи ҳимояси-га медиатив ёндашув институти кириб келди. Оилавий судьялар тизими жорий этилди. Оилавий муносабатлар, оилавий-маиший эъравонликка қарши қонун ҳужжатлари такомиллаштирилди. Ушбу йўналишларга хизмат қилувчи 150 дан ортиқ оила ва хотин-қизлар маскани ташкил қилинди.

Ҳар йили 15 май Халқаро оила куни сифатида кенг нишонланади. Ушбу сана муно-

сабати билан мамлакатимизда ҳам оилавий қадриятларни асраб-авайлаш, соғлом жамият пойдеворини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли дастурлар амалга ошириб келинмоқда. Жорий йил 10 майдан 10 июнига қадар “Фаровон оила сари” ойлиги ўтказилмоқда.

Ойлик доирасида оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш, соғлом

турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда миллий анъана ва уф-одатларимизни илгари суришга қаратилган қатор тадбирлар ташкил этилмоқда. Жумладан, “Оила институтини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари: фаровон оила ва барқарор келажак” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказиб режалаштирилган. Мазкур конференция мутахассислар, олимлар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида ўзаро тажриба алмашиш, илмий хулосалар асосида самарали таклифлар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Каттақўрғон давлат педагогика институтида бўлиб ўтadиган “Оила — маънавият ва инсонпарварлик маскани” мавзусидаги илмий-амалий конференцияда оилавий тарбиянинг аҳамияти, маънавий қадриятларимизга садоқат ва инсонпарварлик ғояларини амалда намойён этиш масалалари муҳокама қилинади.

Шу билан бирга, ҳарбий хизматчилар оилалари ўртасида, “Янги Ўзбекистоннинг ҳарбийлар оиласи” танлови ташкил этилиб, мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги йўлида фидойилик билан хизмат қиладиган инсонларнинг оилавий муҳитидаги ибратли жиҳатларни кенг тарғиб этиш кўзда тутилган.

Сана муносабати билан юртимизнинг барча туман ва шаҳар марказларидаги истироҳат боғларида “Оилалар сайли” (OILAFEST) ўтказилади. Унда “Ибратли оила” кўрак нишони соҳиблари, келин-куёвлар, намунали

оилалар иштирок этади. Бу каби тадбирлар оила институтига ижтимоий эътиборни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, миллий либослар намоиши орқали Ўзбекиона кийиниш маданияти, қадимий анъаналар ва замонавий услубдаги миллий кийимлар тарғиб этилади. Қизлар учун атлас ва адрасдан тайёрланган либослар, йигитлар учун эса дўппи, қийқ, белбоғ ва тўн каби миллий кийимлар намоиши этилади.

“Соғлом оила учун бирлашайлик!” шиори остида ташкил этиладиган спорт марафони ва “5000 қадам” соғломлаштириш тадбирлари оилалар ва хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, жисмоний фаоллиқни оширишга ундайди.

Бундан ташқари, “Оила болалар нигоҳида” номли расмлар кўргазмаси орқали болаларнинг оилавий муҳитга муносабати, ижодий қарашлари ифода этилади. Ҳафтанинг белгиланган кунларида “Аҳил оила” тадбирлари ўтказилиб, оилаларга ҳуқуқий ва психологик хизматлар кўрсатиш, шунингдек, бепул тиббий кўриклар ташкил этиш белгиланган. Бу эса юртдошларимизнинг ўз ҳаёти ва соғлиғига масъулиятини оширишда жуда муҳим.

Мазкур ташаббус ва тадбирлар орқали “Фаровон оила сари” ойлиги оила институтини мустаҳкамлаш билан бирга жамиятнинг маънавий-ахлоқий юксалиши, барқарорлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Ойлик доирасида ўтказилаётган ҳар бир тадбир маҳаллаларда “Аёллар дафтари” асосида ишлаш, оила муаммоларини ўрганиш, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашга қаратилган суҳбатлар ва маънавий-маърифий учрашувлар жамиятимизда оиланинг ўрни беқиёс эканини англатади.

Маърифатпарвар олим Абдурауф Фитратнинг “Оила” рисоласидаги “Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати албатта шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик ана шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади”, деган сўзлар бутун ҳам ўз қийматини йўқотган эмас. Шу боис, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ўз фаолиятини келгусида ҳам мана шу таомиллар асосида юритади.

Юртимиздаги барча оилани мазкур ойда фаол бўлиш, маънавий ва миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, фарзанд тарбиясида масъулиятни янада ошириш, жамиятда аҳиллик ва тотувликни мустаҳкамлаш йўлида фаол иштирок этишга чакирамиз.

Ибратли оилаларга кўкрак нишонлари топширилмоқда. Жорий йилда ушбу нишонга тавсия этиш учун жойларда 50 мингдан ортиқ оиланинг ҳужжати кўриб чиқилди. Республика комиссияси 5500 та аризани атрофлича ўрганиб, 2000 оилани муносиб деб топди. Оилани қўллаб-қувватлашга қаратилган оқилона сиёсат самараси ўлароқ, ҳар йили 208 та оила “Ибратли оила” кўкрак нишони билан тақдирланган бўлса, бу йил мукофотланганлар сони сезиларли ошиб, 2000 гага етди.

Ушбу оилаларга кўкрак нишони билан бирга пул мукофоти топширилади, улар яшайдиган уй-жойга фахрий белги ўрнатилади. Зеро, “Ибратли оила” кўкрак нишони фақат мукофот эмас, бу — жамият эътирофи, эл дуоси, авлодлар учун ўрнак бўладиган мерос.

Юртимиздаги барча ижтимоий-сиёсий ислоҳот марказида инсон ва унинг қадри масаласи турлибди. Ҳар бир инсон оилада улағайди, камол топади. Оила қанча мустаҳкам бўлса, жамият шунча барқарор бўлади. Фаровон оила — фаровон жамиятнинг илк бўғини, уни асраш ва мустаҳкамлаш барчамиз учун шарафли бурчдир.

АЖДОДЛАР МЕРОСИ — ТАРБИЯ МЕЗОНИ

Абира ҲУСЕЙНОВА, фалсафа фанлари доктори, профессор



Оила — инсон ҳаётидаги асосий тарбия маскани. У ҳар бир шахснинг ахлоқий ва маънавий қамолотида муҳим ўрин тутаяди. Миллий маданий меросимизда оилавий тарбияга алоҳида аҳамият берилган. Бу мерос қадриятлар, урф-одатлар, анъаналар ва халқ педагогикасини ўз ичига олиб, оилавий тарбиянинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Имом Бухорий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Жалолиддин Румий, Абу Наср Форобий, Алишер Навоий ва бошқа буюк алломаларимиз асарлари нафақат илмий ва адабий жиҳатдан, балки ахлоқий тарбия нуктага назаридан ҳам жуда катта аҳамиятга эга.

Ўрта асрларнинг машҳур файласуфи ва педагоги Абу Наср Форобийнинг оилавий тарбия ҳақидаги фикрларида оила, тарбия ва шахснинг ахлоқий ривожига алоҳида эътибор қаратилган. Мутафаккир “Бахтга

эришув йўллари ҳақида рисола”, “Фозил одамлар шахри” каби асарларида инсонни ёшлагидан ақлий ва жисмоний тарбиялаб, сабот-матонатли, ажодлар анъанасига содиқ, ахлоқан пок, эзгу ниятли, баркамол этиб тарбиялаш лозимлигини таъкидлайди. Алломанинг “Инсон ўз бахтига эришишда гўзалликни кўриши ва ҳис қилишининг ўзи етарли эмас. Бунинг учун гўзалликни яратга олиши муҳимдир”, деган фикрида чуқур маъно мужассам. Бу фикрда бутунги ота-оналар оилада, иш жойида, рўзғорда, уй тутумида, ўзаро муносабатда, юриш-турушида, кийинишда, фарзандлар билан муомалада намуна бўла олиши зарур деган ғоя мужассам. Улуг ажодларимиз ўзи намуна бўлиб, фарзандларига панду насихат қилган. Ҳикматларини келажак авлодга маънавий мерос сифатида ёзиб қолдирган.

Форобийнинг “Ҳар инсон касб-корни мукамал билмоғи, яхши тарбия

олмоғи, яхши хулқ-атвор ва фазилатларга эга бўлмоғи керак”, деган фикри ҳозирги таълим-тарбия соҳасидаги ислохотларга ҳамохангдек.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий “Яхшилик билан ном қолдирмоқнинг ўзи улуг мукофотдир”, дейди. Тарбияда яхшилик — ахлоқий таомилларнинг энг асосийси. Албатта, яхшилик бор жойда ёмонлик ҳам мавжуд. Инсон ҳаёти давомида кимгадир яхшилик ва ёмонлик қилса, кимдандир яхшилик ва ёмонлик кўради. Бу ҳаёт қонунияти бўлиб, инсон ҳаётининг асоси яхшиликдан иборат бўлиши лозим. Шу ўринда улуг бобомизнинг “Ҳар қандай келишмовчилик ва низоларни ақл билан, умумманфаатни ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиш зарур”, деган фикрини эслаш жоиз.

Навоий оиладаги тарбияни ёшларнинг ахлоқий-маънавий ривожланишида муҳим омил деб эътироф этади. Таъкидлашча, оилада ахлоқий меъёрлар ва принциплар асосида фарзандларга тарбия бериш уларни қамолга етказишнинг асосидир. Шоирнинг “Фарҳод ва Ширин” достонида оилада муҳаббат, ҳурмат ва ишончнинг ўрни хусусида



жуда кўп фикрлар мавжуд. Уларга кўра, оиланинг ҳар бир аъзоси ўзаро эҳтиром ва муҳаббат билан яшаши керак.

“Миллий меросимиз ажодларимиз қолдирган маънавий бойликлар, асарлар ва таълимотлар орқали шаклланади. Халқимизнинг юксак маънавий салоҳияти ва ахлоқий қадриятлари кўп асрлик тарихга эга бўлиб, улар оила тарбиясида муҳим манба сифатида хизмат қилади.

юртимиздаги ҳар бир фуқаронинг илмга эҳтиёжи, интилиши, имкониятини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас.

Навоийнинг “Хамса”сидаги ҳар бир дostonда инсонпарварлик, вафодорлик, ростўйлик каби хислатлар тарғиб этилади. Уларда ота-она ва бола муносабатлари, турмуш қуришдаги одоб ва масъулият ҳақида ҳам тегишли хулосалар бор.

Миллий меросимиз ажодларимиз қолдирган маънавий бойликлар, асарлар ва таълимотлар орқали шаклланади. Халқимизнинг юксак маънавий салоҳияти ва ахлоқий қадриятлари кўп асрлик тарихга эга бўлиб, улар оила тарбиясида муҳим манба сифатида хизмат қилади. Юксак маданият, одоб-ахлоқ, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик каби фазилатларни болалар онгига ёш-лиқдан синдиришда бебаҳо асарларнинг ўрни беқиёс.

Ажодларимиз маънавий мероси оилада маънавиятини мустаҳкамлаш воситасидир. Уларни мутолаа қилиш орқали ота-оналар фарзандларига маънавий тарбия бериш имкониятига эга бўлади. Бундай асарлар ёшлар онгига ватанга муҳаббат, катталарга ҳурмат, кичикларга меҳр каби туйғуларни шакллантиради.

Бутунги глобаллашув шароитида, ёшларнинг дунёқараш кенгаётган бир пайтда миллий қадриятларга асосланган тарбия янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Ажодларимиз асарларидаги тарбиявий ғоялар замонавий усуллар билан уйғунлаштирилса, янада таъсирли ва самарали бўлади.

Қисқаси, ажодларимиз маънавий мероси нафақат тарихий манба, балки ҳаёт мактаби, оилавий тарбия дастуридир. Уларни тарғиб қилиш, фарзандларимиз онгига синдириш ҳар бир оила ва жамиятнинг муқаддас бурчидир.



ЎЗБЕКИСТОН ЭНЕРГЕТИКА БОЗОРИ ГЛОБАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛМОҚДА



Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бошланиши 1-бетда

Хафталик тадбирлари ёнилғи-энергетика соҳасининг икки асосий қисми — углеводород қазиб олиш ва электр энергетикаси йўналишларини бирлаштирди. САЕХ халқаро кўргазмалар марказида бир вақтнинг ўзига “Ўзбекистон нефть ва газ — OGU–2025” 27-халқаро кўргазмаси ва анжумани ҳамда “Энергетика, энергия тежаш, атом энергетикаси, муқобил энергия манбалари — Power Uzbekistan–2025” 18-халқаро кўргазмаси ўтказилди. Қолаверса, хафталик дастуридан “Яшил” энергия тежовчи технологиялар — GETCA–2025 ихтисослаштирилган бўлими, 5-халқаро энергетика анжумани ва бошқа йирик форматдаги тадбирлар жой олган.

Бизнес учрашувлар, B2B ва B2G шаклидаги мулоқотлар учун ҳам қулай майдон яратилган. Хафталик назария ва амалиёт, инновация ва тажриба, саноат ва бизнес вакиллари ўртасидаги умумий мулоқотни таъминлаётганини кўриш мумкин.

САЕХ халқаро кўргазмалар марказида ҳар бир мамлакат павильони алоҳида ажратилган. Уларни байроқ ёки бошқа рамзий белгилари орқали дарров таниб олас бўлади. Стендлар жойлашган майдончаларнинг ҳар бири тақдим этилаётган маҳсулот ва компания ҳақидаги маълумотлар, кўргазма учун намуналар, суҳбат учун алоҳида бурчак билан жиҳозланган. Масалан, бирор маҳсулот нотаниш кўринса, у ҳақидаги маълумотни бир неча тилда ўқиш, маълумотга эга бўлиш мумкин. Иштирокчилар билан тил топишиш ҳам унчалик қийин эмас, барчасининг олдига таржимон бор.

Анъанавий усулга янгича ёндашувлар

Ҳаётимизни электр энергиясисиз тасаввур қилиш мушкул. Уйимизни ёритиш алоҳида масала, аммо бугунга келиб биз фойдаланадиган деярли барча техник қурилманинг электр энергияси билан ишлаши электр энергиясига эҳтиёжimizни тўлақонли акс эттиради. Хонадонимиздаги барча маиший техника, ишхонадаги компьютер ва бошқа ускуналар, банк, савдо ёки бошқа хизмат кўрсатиш марказларидаги тўлов тизими ва аппаратлар, хуллас, дуч келади-ганимиз жамик механик қурилмалар электр-лаштириб бўлинган. Ҳатто сув жўмақлари ҳам электр токи ёрдамида ишлаяпти. Уйда чироқ ўчса, сув ҳам ўчади.

Энергетика соҳаси ҳақида гап борганида, аввало, кўз олдимизга ёнилғи манбалари — нефть, табиий газ ва бошқалар келади. Чунки инсоният узоқ йиллар шу манбалардан фойдаланиб, электр энергиясини ишлаб чиқарган. Тўғри, улардан чиқадиган зарарли газ атмосфера учун жиддий ҳавф туғдиришмоқда. Аммо мамлакатлар фаол интилаётган “яшил иқтисодиёт”га ўтиш ҳаракати тўлиқ амалга ошмас экан, анъанавий усулда электр энергиясини ишлаб чиқаришдан воз кечиш ҳақида гапириш мушкул. Фақатгина уларнинг зарарли таъсирини камайтириш учун янги ечимлар излаб топиш, соҳага замонавий технологияларни олиб кириш лозим. Хусусан, иқтисодиёт тармоқлари ривожда зарарли омилларни камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнига илгор ускуналарни жорий этиш орқали атмосферага ифлослантирувчи чиқиндилар чиқишининг олдини олиш долзарб масалага айланган.

Ўзбекистон энергетика ҳафталиги доирасида ўтаётган “Ўзбекистон нефть ва газ — OGU” халқаро кўргазмасида ана шундай технологиялар намоиш этилмоқда.

— Экологик меъёрларга жавоб бериш талаби халқаро стандартларнинг асосий қисмига айлангани бежиз эмас. Ишлаб чиқариш корхоналари бу талабни бажармай туриб, бозордан ўрин эгаллай олмайдилар, — дейди Туркиянинг “Mimsan energy” компаниясини бош директори Тарик Йилмаз. — Компаниямиз, асосан, сув иситиш ва буғ қозонлари ишлаб чиқариш билан шугулланади. Завод Анқарада жойлашган, 42 йилдан бери фаолият юритмоқда. Биз ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар турар жой мажмуалари, кўп қаватли уйларга ўрнатилади. Буғ қозонларидан эса кўпроқ озик-овқат маҳсулоти ишлаб чиқарувчи заводларда фойдаланилмоқда. Ушбу ускуналар газ ва дизель ёрдамида ишлайди. Улардан чиқадиган зарарли газни камайтириш учун махсус филтёрлар ўрнатилган. Ҳатто кўмирда ишлайдиган буғ қозонларининг мўрисида ҳам тутун чиқмайди. Мана шу жиҳатлар билан бозорда устуликка эришиб келямиз. Ўзбекистонда ҳам харидоримиз кўп. Бу бозорга кириб келганимизга 7–8 йил бўлди. Шу кунгача расмий дилеримиз орқали Тошкент шаҳри, Андижон, Жиззах, Фарғона, Тошкент вилоятларидаги кўп қаватли уйларга ускуналаримиз ўрнатилди.

“Яшил” келажак сари

Кўргазма майдонидаги ҳар бир маҳсулот олдида борганда, унинг муқобил энергия манбалари ёрдамида ишлаш имконияти ҳақида суриштирдик. Чунки электр энергиясидан фойдаланишнинг мазкур тежамкор, арзон, хавфсиз, экологик тоза усули аллақачон



манбаларига эҳтиёжни оширмоқда. Экология ва атроф-муҳит муаммолари ҳам хавфсиз, атмосфера учун зарарсиз энергия манбаларига ўтишни тақозо этипти. Ана шу зарурат кейинги йилларда дунёда “яшил” энергетика кескин ривожланиши ва янги технологиялар яратилишига сабаб бўлмоқда. “Яшил” энергияни фаол жорий этаётган етакчи давлатлар пайдо бўла бошлади. Уларнинг тажрибаси бошқа мамлакатларда ҳам тарғиб этиляпти.



Ҳозир Ўзбекистон “яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг шиддатли йўлида бормоқда. Дунё ҳамжамияти мамлакатимизнинг бу борадаги имкониятлари ва сазй-ҳаракати ҳақида гапиришти, йирик лойиҳаларни катта қизиқиш билан кузатяпти. Кузатибгина қолмай, ҳамкорликка, инвестиция қилиштига интилмоқда. Жаҳоннинг етакчи компаниялари, дунёга машхур энергетика гигантлари мамлакатимизни ишончли ҳамкор сифатида танлаяпти.

чон ҳаётимизга кириб келиб, омалашмоқда. Иқтисодиётнинг барча тармоғида муқобил энергетикани жорий этиш кўлами кенгайиб борапти. Шунга яраша маҳсулотлар, янги технологиялар таклиф этиляпти. Бу бозорда ҳам рақобат анча кучайган.

Ўзбекистон энергетика ҳафталиги доирасида асосий эътибор ҳам, муҳомама ва мулоқотлар марказидаги масала ҳам, ҳатто кўргазма майдонидаги кўп технологиялар “яшил” энергия билан боғлиқ экани боиси шунда. Жаҳонда табиий энергетика манбалари тобора қисқариб бораётгани муқобил энергия

Гигант компаниялар давлатларнинг “яшил иқтисодиёт”га ўтишидаги сазй-ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Яъни дунё ҳамжамияти сайёрамизнинг “яшил” келажаги учун бирлашяпти ва бунда айнан муқобил энергия манбаларига ўтиш асосий мақсадга айланган.

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб мазкур ҳаракатга қўшилган ва қисқа муддатда “яшил” тараққиёт



ЖАРАЁН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

yuz.uz

Бундай шиддатли шароитда 2026 йилга бориб, Ўзбекистонда умумий қуввати 5000 мегаватт, 2030 йилга бориб эса 18 минг мегаваттдан ортиқ бўлган қуёш ва шамол электр станциялари иш бошлаши режа қилинган. Мазкур “яшил” лойиҳалар ишга туширилгач, 2030 йилга қадар йилига 50 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти вуҷудга келади.

Бундай шиддатли шароитда 2026 йилга бориб, Ўзбекистонда умумий қуввати 5000 мегаватт, 2030 йилга бориб эса 18 минг мегаваттдан ортиқ бўлган қуёш ва шамол электр станциялари иш бошлаши режа қилинган. Мазкур “яшил” лойиҳалар ишга туширилгач, 2030 йилга қадар йилига 50 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти вуҷудга келади. Бу ушбу даврга бориб мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг 54 фоизи қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссасига тўғри келади, дегани. Лойиҳалар, аввало, ҳудудларда энергетика барқарорлигини таъминлаш, олис манзилларга узлуқсиз электр токи етиб бориши, саноат ривожланиб, янги қувватлар, корхоналар ишга тушишига хизмат қилади. Қолаверса, ҳар бир лойиҳа ортидан юзлаб, минглаб инсон иш билан таъминланади.

Бугун мамлакатимизнинг 10 та вилоятида умумий қуввати 4067 мегаватт бўлган 11 та қуёш фотоелектр станцияси ҳамда 3 та шамол электр станцияси “яшил” энергия ишлаб чиқармоқда. Энергетика вазирлигининг хабар беришича, жорий йил 12 май ҳолатига кўра, юртимиздаги қуёш ва шамол электр станциялари томонидан 2025 йил бошидан буён ишлаб чиқарилган электр энергияси миқдори 3 миллиард киловатт-соатни ташкил қилди. Бунинг натижасида 900 миллион куб метр табиий

қувватлари ишга туширилмоқда. Лойиҳаларнинг аксариятида энергия сақлаш тизими мавжуд бўлиб, бу тармоқ барқарорлигини таъминлайди. Ҳозир мамлакатда қиймати 4 миллиард доллардан ортиқ электр энергиясини етказиб бериш битими молиялаштирилган ёки имзоланган. Ўзбекистон энергетика бозори энди дунё даражасидаги ишлаб чиқарувчиларни жалб этмоқда.

Жаҳондаги йирик молиявий тузилмани бошқараётган Масато Канданинг мулоҳазалари шунчаки дипломатик лутф эмас. Бу, энг аввало, Ўзбекистон Президентининг энергетика тизimini қайта қуришга қаратилган сазй-ҳаракатларига берилган юксак баҳо. Қолаверса, тармоқдаги тарихий ислохотларнинг глобал даражада тан олинishi, юртимизнинг “яшил иқтисодиёт” сари қўйган қадамларининг амалдаги ҳаққоний натижасидир. Зеро, бугун Ўзбекистон миңтақда “яшил” энергетика ҳабиға айланмоқда.

Тажриба алмашиш майдони

Энергетика соҳасидаги энг илгор технология ва инновациялар намоиш этилаётган хафталик доирасидаги “Энергетика, энергия тежаш, атом энергетикаси, муқобил энергия манбалари — Power Uzbekistan–2025” 18-халқаро кўргазмаси ушбу стратегик аҳамиятга эга соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Унда тақдим этилаётган инновация ва энг сўнгги технологик ечимлар муқобил энергия манбаларини қўллашнинг афзалликларини яна бир қарра кўрсатади. Бу борада ҳар бир давлатнинг ўз таклифи, янги технологиялари мавжуд. Улар кўргазмада ана шуларни тақдим этиш борабариди ишончли ҳамкорлар топиш нияти.

Масалан, турк компаниялари қаторасига тўрттинчи йил миллий павильон форматига иштирок этмоқда. Хитой компанияларининг иштироки ҳам анъанавий айланган. Стендларни томоша қилиш асосида кўплаб замонавий қурилмалар эътиборни тортади. Уларга қараб туриб, “яшил” энергетика технологияларни қанчалик шиддат билан ривожлантирганига амин бўлади кимси.

— Ҳозирги қуёш панеллари аввалгиларидан фарқ қилади ва йил сайин тақомиллашяпти, — дейди Хитойнинг “Yuan Chan Solar” компанияси раҳбари Стиван Жиан. — Компаниямиз 2006 йилдан буён қуёш панели ва инвентарларини ишлаб чиқариш билан шугулланади. Заводда 4 та линия мавжуд бўлиб, 2024 йилдан бошлаб янги турдаги қуёш панеллари ишлаб чиқариляпти. Улар эскиларидан ички қуввати юқорилиғи билан фарқ қилади. Кўплаб давлатларнинг муқобил энергия манбаларига ўтиши ортидан ушбу маҳсулотга талаб тобора ошиб бораётир. Бундай ускуналар Ўзбекистон учун ҳали янги бўлишига қарамай, давлат миқёсида уни кенг омалаштириш, турар жой ва саноат корхоналарида қуёш панелларидан фойдаланишни кенгайтириш жадаллашган. Шу бос, 2023 йилда Тошкент шаҳрида “EvaEnergy” номи билан корхона ташкил қилдик. Бу ерда Хитойдаги заводимиздан олиб келинган қуёш панеллари сотиляпти. Катта-катта лойиҳалар учун қурилма келтириб, ўрнатиб берами. Заводимизда сув иситиш ускуналари ҳам ишлаб чиқарилади. Улар тўлиқ қуёш панели ёрдамида ишлайди ва сувни ёзда 100, қишда 50–60 даражача иситиб беради.

Энергетика маҳсулотлари саноатида маҳаллий ишлаб чиқариш ҳиссаси ҳам анча ошган. Ҳатто электротехника саноати юртимиз иқтисодиётининг драйверларидан бирига айланди. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари хорижлик билан тенг рақобатлашяпти. Миллий брендларимизга жаҳон бозорида харидор кўп. Муқобил энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳам бошланган.

Энергетика ҳафталигида маҳаллий компаниялар иштироки яққол кўзга ташланди. Масалан, Тошкент шаҳридаги 18 йилдан ортиқ тажрибага эга “Nura Group” компанияси подстанция қуриш ва трансформаторлар ишлаб чиқаришда етакчилардан. У Хитой, Туркия, Украина, Россия билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Европа давлатлари билан савдо келишувлари еришиляпти. Кўргазма домида хорижликлар компания маҳсулотларига қизиқиш билдирди. Бошқа компаниялар ҳам хафталик доирасидаги бизнес учрашувларда манфатли келишувларга эришмоқда. Ҳамкорлик алоқалари икки томонлама ҳужжатларни имзолашда акс этипти.

Халқаро кўргазмадан қўзланган мақсад фақат савдо алоқаларини ўрнатилшдан иборат эмас. Бугун замонавий энергетика соҳаси қанчалик ривожланмасин, соҳада кўзга ташланётган муаммолар ҳам бор. Хафталикдан жой олган Ўзбекистон халқаро энергетика форумида айнаи шу масалалар ўртага ташланмоқда. Форумнинг уч кунлик кун тартибидан вазирлар ва экспертлар мулоқоти, ялпи мажлис, халқаро экспертлар иштирокидаги панел ва техник сессияларда таклиф этилаётган илгор ечимлар амалиётга кўчиши шубҳасиз.

“ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ” ва “КАСБИЙ МАҲОРАТ ЕТАКЧИСИ” танловларини ўтказиш тартиби қандай?

Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Касби ўқитувчи бўлган қариндошимдан “Йил ўқитувчиси” танлови ўтказиларкан, ғолибларга ярим миллиард сўмдан кўпроқ мукофот белгиланибди, агар шунда ютсангиз, бемалол янги уй харид қилсангиз бўлади деб суюнчи олдим. Қариндошим “Агар шу танловда ютсам, мукофотига уй олмас эдим. Болаларимни энг нуфузли олийгоҳларда ўқитардим”, деган жавоб берди. Очиги, гапирган гапимга хижолат тортди қолдим. Дарҳақиқат, таълим тизимида фаолият юритаётган фидойи устозларнинг маънавий нажоти ҳам, орзу-мақсадлари ҳам таълимнинг ўзи билан боғлиқ бўлади. Энг муҳими, уларга шунга мос шароит яратиб бериш. Сўнгги йилларда таълим соҳаси ходимларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳаракатлар замирида айни мақсад ётибди, десак адашмаймиз.



Босқичлар ва шартлар

“Йил ўқитувчиси” танлови уч босқичда ўтказилади, ҳар бир босқич ўзига хос мезонлар ва баҳолаш жараёнларига эга.

Танловнинг дастлабки босқичи ҳар йили октябрь-декабрь ойларида ташкил этилади. Бу босқичда номзодларнинг мутахассислик фани, педагогик маҳорати ва касб стандартлари бўйича назарий билимлари баҳоланади.

“Баҳолаш жараёни Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган Педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом асосида ўтказилади. Ушбу босқич FaceID ва Blockchain технологиялари ёрдамида онлайн тарзда амалга оширилади.

Иккинчи босқичда — январь-февраль ойларида номзодларнинг педагогик маҳорати махсус мезонлар асосида баҳоланади. Бу жараёнда номзодлар ўтган дарсларнинг видеоёзувлари махсус платформага жойлаштирилади ва ҳакамлар ҳайъати ҳамда педагоглар томонидан таҳлил қилинади. Ушбу босқичда ўқитувчиларнинг дарс ўқиш услублари, ўқувчилар билан мулоқот қилиш қобилиятлари ва инновацион ёндашувлари эътиборга олинади.

Нижоят, танловнинг якуний босқичи апрель-май ойларида бўлиб ўтади. Бунда номзодларнинг маънавий-маърифий фаолияти ва китобхонлик даражаси тақдиротлар асосида ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳоланади. Номзодларнинг ўқувчиларга маънавий-ахлоқий тарбия беришдаги ҳиссаси, китобхонлик маданиятини ривожлантиришга қўшган улушига алоҳида эътибор қаратилади.

“Йил ўқитувчиси” танловинда иштирок этиш учун номзодлар қандай талабларга жавоб бериши лозим? Ўзи кимлар қатнаша олади?

Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги берган маълумотларга кўра, талабгорлар олий ёки биринчи малака тоифасига эга бўлиши, камиди беш йиллик педагогик стажли, танлов ўтказиладиган ўқув йили бошидан таълим муассасасида асосий штатда фаолият юритиши ҳамда фан ўқитувчиси ёки

бошланғич синф ўқитувчиси сифатида ишлаш керак. Бу шартлар танловда фақат энг маалаки ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишини таъминлайди.

Баҳолаш мезонлари

“Касбий маҳорат етакчиси” танлови педагогик маҳорат марказлари директорлари ўртасида ўтказилади. Танловда марказ директори лавозимида камиди икки йил давомида фаолият юритаётган раҳбарлар иштирок этиши мумкин. Танлов жараёнида директорларнинг фаолияти тўғрисида асосий йўналиш бўйича баҳоланади.

Дастлабки йўналишда марказ томонидан ҳудудда таълим сифатини юксалтиришга қаратилган ишлар ва эришилган натижалар таҳлил қилинади. Иккинчисида марказнинг молиявий фаолиятини самарали бошқариш ва барқарорлигини таъминлаш бўйича эришилган ютуқлар баҳоланади. Учинчи йўналишда марказда инновацион услублар асосида таълим жараёнини ташкил этиш даражаси кўриб чиқилади. Охириги босқичда эса марказни тажрибали кадрлар билан таъминлаш, замонавий бошқарув усулларини қўллаш самардорлиги таҳлил қилинади. Айни йўналишлар бўйича директорларнинг фаолияти махсус ишчи гуруҳ томонидан синчковлик билан ўрганилади.

Шаффофлик ва адолатли таъминлаш механизмлари

Танловларнинг шаффоф ва адолатли ўтказилиши учун бир қатор замонавий механизм қўлланилиши белгиланган. Юқорида “Йил ўқитувчиси” танловининг биринчи босқичи FaceID ва Blockchain технологиялари ёрдамида онлайн тарзда ўтказилишини айтдик. Бу технологиялар синнов жараёнининг шаффофлигини таъминлайди ва ҳар қандай ноқўя аралашувларнинг олдини олади. Иккинчи босқичда дарсларнинг видеоёзувлари махсус платформага жойлаштирилади, бу эса баҳолаш жараёни очикилигини таъминлайди. Бундан ташқари, ҳар бир босқичнинг баллари очик эълон қилиниб, иштирокчилар ва жамоатчилик учун шаффофлик кафолатланади.

“Касбий маҳорат етакчиси” танлови жараёнида эса ишчи гуруҳ томонидан директорлар фаолияти синчковлик билан таҳлил воситасида ўрганилади.

Дарҳақиқат, танловлар адолатли ва шаффоф ўтказилиши учун жамоатчилик вакиллари иштироки муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ушбу танловлар фахрий педагоглар, экспертлар ва жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда ташкил этилиши белгиланган. Жамоатчилик вакиллари баҳолаш жараёнида иштирок этиб, танловнинг очикилигини янада оширади.

Бундан ташқари, танловлар етакчи оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб борилади. Бунда улар Мақтабгача ва мактаб таълими вазирлиги билан ҳамкорликда танловларнинг мазмунини, жараён ҳақида доимий равишда маълумот бериб боради. Бу ўз ўрнида мазкур танловларнинг жамиятдаги аҳамиятини оширишга ва педагогларнинг обрўсини юксалтиришга ҳам хизмат қилади.

Мукофот ва имтиёзлар

Танлов ғолибларига нафақат базавий ҳисоблаш миқдорининг 1400 бараварига тенг пул мукофотлари, балки бошқа имтиёзлар ҳам тақдим этилиши мумкин. Гарчи танлов низомида алоҳида имтиёзлар кўзда тутилмаган бўлса-да, ғолиблар турли давлат ва соҳа мукофотлари билан тақдирланишга тавсия этилиши эҳтимоли юқори бўлади. Бу эса уларнинг касбий фаолиятини янада рағбатлантиради ва жамиятдаги нуфузини оширади.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



ўқитувчиларни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар бизнинг янада яхшироқ меҳнат қилишимизга мотивация бериб, келажакда катта-катта ютуқларга эришишимизга замин яратади.

Бу танловлар ўтказилиши ёш ўқитувчилар орасида ҳам қизгин кутиб олинаётгани кўнонарли. Ана шундай ёшлардан бири пискентлик Дилноза Қаршибоева.

— Болалигимдан адабиётнинг сеҳрли оламига шўнғиб, Алишер Навоийнинг “Хамса”сидан тортиб, Зулфиянинг нозик лирикаси ва Абдулла Ориповнинг ватанпарварлик руҳидаги шеърларигача ўқиб чиқдим. Бу муҳаббат мени ўқитувчилик касбига етаклади, — дейди Д.Қаршибоева. — Чунки мен ўқувчиларимга нафақат тилимиз нозикликларини, балки адабиётимизнинг чуқур ҳаётий моҳиятини ҳам сингдиришни орзу қилардим. Ҳар дарсима ўқувчиларимнинг кўзларида билимга муҳаббат алангасини кўрганимда бу йўлни танлаганимдан фахрланаман.

“Йил ўқитувчиси” танлови ҳақидаги хушхабар эса бу фахрни янада ошириди, ўз касбий фаолиятини янги нуқтаи назардан кўриб чиқишга ундади. Мазкур танлов ўқитувчилар учун мўлжалланган энг муҳим ташаббуслардан бири бўлди, десам адашмайман. Бу нафақат меҳнатимизни эътироф этиш, балки ўқитувчиликнинг жамиятдаги ўрнини юксалтириш, устозлар обрўсини янада ошириш йўлидаги улкан қадамдир. Танлов ўқитувчиларга ўз салоҳиятини кенгроқ доирада намойиш этиш имконини беради, бу эса ҳар биримизни ўз ишимизга янада ижодий ва масъулиятли ёндашишга чорлайди.

Мен учун танлов нафақат эътироф ва мукофот манбаи, балки ўз тажрибамни бошқа ҳамкасблар билан бўлишиш, улардан янги гоя ва услубларни ўрганиш учун ноёб имконият ҳамдир. Ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси сифатида ўқувчиларимга шеър ва наср орқали ҳаётнинг гўзаллигини, ватан ва инсониятга муҳаббатни ҳис қилишни ўргатаман. Агар танловда иштирок этсам, ўқувчиларимга улкан ижодкорларимиз асарларини замонавий таълим усуллари орқали сингдириш бўйича шахсий тажрибамни тақдим этар эдим. Масалан, ўқувчиларимга шеър таҳлилининг интерактив усуллар ёрдамида ўргатиш ёки ҳикоялар орқали уларнинг ижодий фикрлашини ривожлантириш каби ёндашувларини кўрсатардим. Танловнинг аҳамияти шундаки, у ўқитувчилар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиради ҳамда ҳар биримизни доимий равишда ўз устимизда ишлашга ундайди.

Ўқитувчилик нафақат билим бериш, балки ўқувчилар қалбига маънавий бойлик қолдириш, уларни ҳаётга тайёрлаш демакдир. Мен ҳар дарсимада ўқувчиларимга нафақат адабиётни, балки ўзбек халқининг бой маънавий меросини, ахлоқий қадриятларини сингдиришга интиламан. Танлов бу масъулиятни янада чуқурроқ ҳис қилишга ва ўз ишимга янги ижодий ёндашувлар киритишга илҳом беради. Масалан, яқинда дарсларимда адабий асарларни сахналаштириш орқали ўқувчилар фаоллигини оширишни синаб кўрдим ва бу уларнинг фанга қизиқишини сезиларли даражада оширганини ҳис қилдим. Бундай тажрибаларни танлов доирасида бошқа ўқитувчилар билан бўлишиш, уларнинг усулларини ўрганиш мен учун катта имконият бўларди.

Мамлакатимизда таълимга эътибор, хусусан, бундай танловлар орқали ўқитувчиларни рағбатлантиришга қаратилган ташаббуслар ҳар бир ўқитувчининг юрагида катта умид уйғотади. Бу ташаббуслар бизни янада фидойи ва ижодкорона қайғиртда бўлишга, ўқувчиларимизга энг яхши билимларни беришга ундайди.

“Йил ўқитувчиси” ва “Касбий маҳорат етакчиси” танловлари мамлакатимиз таълим тизимининг ривожланишида муҳим қадам бўлиб хизмат қилади. Ушбу танловлар орқали нафақат энг яхши педагоглар ва раҳбарлар аниқланади, балки таълим соҳасидаги инновацион ёндашувлар ва тажрибалар оммалаштирилади. Шунингдек, педагоглар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириб, касбий маҳоратини оширишга ва таълим сифатини юксалтиришга хизмат қилади.

Келажакда ушбу танловлар янада кенгроқ миқёсда ташкил этилиши ва таълим соҳасидаги бошқа йўналишларни ҳам қамраб олиши айтиш мумкин. Бу мамлакатимиз таълим тизимини халқроқ даражада рақобатбардош қилишда ўзига хос аҳамиятга эга.



Жорий йил 1-2 май кунлари Президентимизнинг Хоразмга ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди. Бу галли ташрифда илгари сурилган ташаббуслар одамлар ҳаётини яхшилаш, вилоятни дунёдаги энг гўзал ва обод, илм-фан ва инновациялар, маданият ва санъат янада ривожланган ҳудудга айлантиришга қаратилгани билан аҳамиятли.

ТАЪЛИМДА КРЕАТИВ ЁНДАШУВ

КУЧЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ АСОСИ

Ал-Хоразмий университети ва унинг ҳузурида Муҳаммад ал-Хоразмий мактаби филиалининг очилиши хоразмликлар учун муҳим янгилик бўлди. Университетда математика ва информатика, аэрокосмик технологиялар муҳандислиги ҳамда сунъий интеллект факультетлари ташкил этилади. Уларда иқтисодиёт, ахборот технологиялари, саноат, хавфсизлик, энергетика ва экология каби соҳалар учун мутахассислар тайёрланади. Бу эса университетнинг соҳада рақобатбардош, замон талабига мос кадрлар тайёрловчи, етакчи олий таълим муассасасига айланиш имкониятини оширади.

Айниқса, ўқув жараёнининг “Янги Ўзбекистон” университети тажрибаси асосида БАА, Хитой, Буюк Британия каби давлатларнинг нуфузли олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда ташкил этилиши университетнинг келгусидаги натижалари қанчалик юқори бўлишидан далолат.

“ТИББИЙ ТАЪЛИМ УЧУН ЯРАТИЛАЁТГАН БУ ИМКОНИЯТЛАРНИНГ БАРЧАСИ СОҲАНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. МАҚСАД ЭСА БИТТА: ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА ТИББИЁТ СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ БИЛИМ ВА ЮКСАК МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРГА ЭГА, МУСТАҚИЛ ФИКРЛАЙДИГАН ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДИР.

Президентимизнинг Хоразмга ташрифидан сўнг вилоятда тиббиёт соҳаси бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш ишларини ривожлантириш ҳамда самардорлигини оширишга қаратилган сый-ҳаракатлар янги босқичга чиқди.


Жорий йил 7 май кунли тиббиётнинг бирламчи бўғини ва ихтисослашган

муассасаларда хизматлар сифатини ошириш, дори истеъмолини тартибга солиш ҳамда тиббий таълимни такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида кўтарилган масалалар ҳам низоҳатда долзарб. Жумладан, тиббиётда дуал таълимни ривожлантириш

масаласига эътибор қаратилгани айни мудида бўлди. Чунки тиббиётда дуал таълим тизимини йўлга қўйиш жуда катта натижа беради. Йиғилишда, шунингдек, тиббиёт ОТМлари ҳузуридаги бирорта клиника улар тасарруфиди эмаслиги қайд этилди. Мутасаддиларга бир нечта ОТМга молиявий мустақиллик бериш ва клиникаларни уларнинг таркибий тузилмасига ўтказиш бўйича топшириқ берилди.

Тиббий таълим учун яратилаётган бу имкониятларнинг барчаси соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилади. Мақсад эса битта: таълим мазмунини сифат жиҳатидан такомиллаштириш ҳамда тиббиёт соҳасида замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлашдир.

Зайнаб АБИДОВА,
ТТА Урганч филиали кафедра мудири, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент



ДУНЁ ГҮЛСЕВАРЛАРИНИ МЕҲМОН ҚИЛАМИЗ

НАМАНГАН ГҶЗАЛЛИК, НАФОСАТ ВА САНЪАТ АЙЁМИГА ШАЙ

1961 йилда илк бор ташкил этилиб, икки кунгина давом этган гул байрами кейинги йилларда халқаро миқёсдаги йирик тадбирга айланди. У 2022 йилда Халқаро гуллар фестивали мақомини олди ва 15 кун давом этди. Бугун эса ушбу шодиёна эртақлардаги каби қирқ кечаю қирқ кундуз нишонланаяпти.

Бу йилги гуллар сайли ҳар йилгидан ўзгача ўтказилади. Чунки намоиш этиладиган гуллар тури ҳар қачонгидан қўп. Наманган шаҳри ободонлаштириш бошқармаси бўлим бошлиғи Муроджон Мирғисовнинг айтишича, биргина Наманган шаҳри ҳудудига голланд навли маҳаллийлаштирилган мавсумий гуллар, 10 мингдан ортиқ атиргул, 1,5 минг туپ манзарали бутасимон қўчат ўтказилган. Жами 100 миллион туздан зиёд 70 га яқин гул нави айнан фестиваль учун экилган. Ниҳолар янги замонавий ландшафт дизайни асосида маҳаллий усудда, шунингдек, Туркия, Нидерландия, Италия тажрибаси асосида етиштирилган. Уруғларнинг 60 фоизи хориждан келтирилган бўлса, 40 фоизи маҳаллий гулчилар томонидан тайёрланган. Зотан, гул экиш фақат ҳудудни безаш эмас, экология мусаффолигига ҳисса қўшиш, одамларга эстетик завқ улашиш, табиатга меҳр уйғотиш каби муҳим мақсадларга хизмат қилади.

Наманганнинг гулчиликдаги тажрибаси бутун мамлакатга намуна бўлиб келмоқда. Шу боис, вилоятнинг сайёҳлик салозияти ҳам ошиб бораёпти. Фестиваль доирасида илмий-амалий конференция ўтказилди. Хунармандчилик маҳсулоти кўргазмаларида халқ амалий санъати намуналари, миллий таомлар намоиши қилинади. Гуллар билан безатилган автопарад, дрон шоу, лаванда сайли, модалар ҳафталиги, спорт мусобақалари, жаҳон эстрада юлдузлари иштирокидаги шоу-концертлар ташкил этилади.

Тўйга тўёна

Ҳар гал гуллар фестивали олдидан Наманганнинг марказий кўчалари, хиббонлар, боғлар, ташкилот ва идоралар атрофи гуллар манзарали дарахтлар билан тўлади. Жорий йил ҳам туманлардан шаҳарга кириш жойларида рамзий гул дарвозалари тикланди. 64-Халқаро гуллар фестивалининг 100 мингдан ортиқ хорижий меҳмони ўтган йили иш бошлаган “Учқўрғон — Кенгсой” божхона постидан ўтиши кутиляпти. Шунингдек, меҳмонлар Учқўрғон иқтисодийёти драйвери бўлган кулунайчилик фаолияти билан танишиши учун қўлпўнай сайли ўтказилади. Шу боис, тумanning асосий кўчалари ҳам гуллар билан безатилди. Ҳудудда

экотуризм, агротуризм ва гастронимик туризм йўналишлари баробарида қатор янги интерактив лойиҳалар ҳам ишга туширилмоқда. Айни пайтда Уйчи туманида Учқўрғон ва Норин туманларини вилоят маркази билан боғловчи янги йўл ҳамда Норин дарёси устига 481,5 метр узунликдаги кўприк қуриш ишлари якунланаяпти. Тўрақўрғон туманида ҳам катта йўл бўйларига 45 минг туپ атиргул, 10 минг туپ райхон, 10 минг туپ чиннигул, 14 минг дона “Зийнат” номли гул нави экилиб, парвариш қилинмоқда. Буларнинг барчаси кўплаб иш кучи, қўл меҳнатини талаб қилади. Сайёҳаракатлар самараси ўлароқ, Нанай туризм қишлоғи, Ахсикент ҳудуди ҳам сайёҳлик салозиятини дунё аҳлига кўрсатишга тайёр.

Асосий тадбирлар ўтказилмаса-да, гуллар фестивали очилиш маросимининг бош манзилларидан бири бўлган Хотира хиббонида энг чиройли гул композицияларини учратиш мумкин. Бу йилги асосий концерт дастурлари ва бадийий тадбирлар “Янги Ўзбекистон” боғи, Заҳрирдин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, Афсоналар водийси тематик паркида ўтказилиши режалаштирилган. Шундан келиб чиқиб, “Янги Ўзбекистон” боғи жойлашган Давлатобод тумани марказий кўчаларида ҳам иш қизиган. Боғ замонавий архитектура ечимлари асосида тартибга келтирилмоқда. Майдонларнинг ранг-баранг гуллар билан безатилгани боғ манзарасига янада жозиба бағишламоқда.

Дарвоқе, тўйга тўёна сифатида Ахсикентдаги Очқў осмон ва экспонатлар музейи



фойдаланишга топширилади. Очқў осмон музейлари Ахсикент археология парк таркибидagi Янги Ахси мажмуасига боғлиғини ва туризм шаҳарчасининг яхлит композицияси бўлиши кўзда тутилган.

Меҳмонларга қулайлик

Вилоят туризм бошқармаси бошлиғи ўринбосари Отабек Расуловнинг айтишича, фестиваль меҳмонларига юқори сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида бошқарма ҳузурида махсус штаб тузилди. Штаб аъзолари Давлатобод туманида фаолият юритаётган “Атош”, “S-Namangan”, “Истиклол” ҳамда “Буюк ипак йўли” меҳмонхоналаридаги инфрадузла, хизмат кўрсатиш сифати, қулайликлар даражасини ўрганди. Аниқланган ҳолатлар юзасидан аниқ тавсиялар ишлаб чиқилиб,

камчиликларни тезкор бартараф этиш чоралари белгиланди. Вилоят бўйича сайёҳларга 11 минг ўринли 634 та жойлаштириш воситаси хизмат кўрсатади. Хонадонларда ҳам оилавий меҳмон уйлари ташкил этилмоқда. Бу, аввало, аҳолига даромад, қолаверса, халқаро тадбирга кўпроқ меҳмон жалб этиш имконини беради. Бундан ташқари, қулай транспорт, шаҳарнинг рақамлаштирилган хариталари, бепул интернет ҳудудлари, миллий дизайнда безатилган овқатланиш шохобчалари, автоурагроҳ ва бошқа имкониятлар ҳам кўриб чиқилляпти. Сайёҳларга хизмат кўрсатишда замонавий ёндашувлари жорий этиш, сервис сифатини ошириш ва фестиваль иштироқчилари учун қулай ва хавфсиз муҳит яратиш бўйича ишлар бажарилляпти. Умуман олганда, Наманганга келган меҳмон кўтаринки кайфиятда кетиши учун масъулар бор имкониятини ишга соляпти.

Меҳнатнинг роҳати

Наманганда бугун минглаб одам гулчиликдан даромад топппти. Гулчилар ассоциацияси, илмий марказ, алоҳида лаборатория ташкил этилгани бу борада айна мудабо бўлди. Гул навларини яратиш майдонларида дўстона, соф рақобат кўзга ташланмоқда. Косонсойлик Муҳаммадоллим Ҳамдамов ҳам омилкор гулчилардан. Тумanning Абдурахмон Жомий маҳалласида яшовчи боғбон хонадони турфа гуллар билан безатилган. Гулчилик сулоласи вакиллари иккита алоҳида иссиқхонада 25 минг туздан зиёд зафарон, тоғ капалак гули, бинафша ва

бошқа турдаги гул кўчатини етиштирмоқда. Муҳаммадоллим келажакда фаолиятини кенгайтириб, гулчилик тажрибасини бутун маҳалла бўйлаб оммалаштирмоқчи. Бунга имконият ҳам, салохият ҳам етарли. Чунки у гулчиликнинг ҳадисини олган. Халқаро даражадаги фестиваль эса гуллар учун катта бозор вазифасини бажармоқда.



Тумanning Боғибаланд маҳалласида яшовчи Муроджон ака Жалолов ҳам айнан гулчилик ва кўчатчилик ортидан оилавий тадбиркорлиқни йўлга қўйган. Бугун ушбу оила 2 сотихли иссиқхонага 200 турдан ортиқ гул экиб, яхшигина даромад топппти.

Норин туманининг Пастки Чўжа маҳалласида яшовчи Зокиржон Йигиталиевнинг ижодкорлиги гулчиликда ҳам қўл келди. Туман, вилоят, республика матбуотида баракали ижод қилган Зокиржон аканинг кексалик йиллари гул парвариши билан мазмунли, завқли ўтмоқда. Ахир ижодкор инсон ҳаётдан завқланишни билади, гўзалликни қадрлайди-да!

— Мавсумий гулларни экяётганда, аввало, уларнинг яшовчанлигини ҳисобга олиш керак. Масалан, апрелдан июлгача ёки апрелдан августгача яшайдиган гуллар бор. Июлгача яшайдиган гулни августгача яшнаб турадиганлари орасига экиб бўлмайди. Уларни екишда рангини ҳам инобатга олиш керак. Чунки оқ билан қизил бир-бирига уйғун бўла олади, лекин пушти билан қизил ахлит композиция ҳосил қилолмайди, — дея гул етиштириш технологияси билан ўртоқлашади фаррий журналист.

25 сотихли томорқасининг 5 сотихида иссиқхона ташкил қилган Зокиржон ака энг ноёб гулларнинг 30 га яқин турини парваришламоқда. Бир сотих жойдан 17-20 миллион сўмгача даромад топаётган қаҳрамонини маҳалладошларини мавсумий иш билан таъминлаб, гулчилик сирларини ўргатиб келаяпти.

Йирик тадбир учун узлуксиз гул етказиб беришда гулчилик марказларининг алоҳида ўрни бор. Биргина Давлатобод туманидаги гул етиштиришга ихтисослашган мажмуада 50 дан зиёд иссиқхона мавжуд. Уларда ўнлаб тадбиркор 30 хилдан кўпроқ гул парваришляпти. 100 дан ортиқ одам гулчилик билан банд. Етиштирилаётган гуллар маҳаллий мижозлардан ортиб, экспорт ҳам қилинади. Шунинг учун марказ халқаро даражада эътироф этилган. Тадбиркорларга барча қулайлик яратилган. Сув тежовчи технологиялардан фойдаланилаётгани минерал ўғитлар сарфини камайтиряпти. Айниқса, қишда ҳам, ёзда ҳам бирдек яшнаб турадиган гуллар тадбиркорларнинг даромади доимийлигини таъминляпти.

— Гуллар фестивали учун 100 минг туپ гул етиштирдик. Мақсадимиз — фестивалда гулларимиз билан меҳмонларни лол қолдириш. Қолаверса, меҳнатимизга яраша даромад топиш ниятимиз бор. Йиллик даромадимиз ёмонмас, ўртача 400-500 миллион сўмга боради, — дейди тадбиркор Омина Юсуфжоннова.

Инновацион ёндашувлар

Ўтган йили фестиваль кунлари вилоятга 210 мингга яқин хорижлик, 5 миллионга яқин маҳаллий сайёҳ келди. Бу йил ушбу рақамлар ортиши баробарида экспорт ҳажмини кўпайтириш режа қилинган. Умуман олганда, бу йил ҳаракатлар ҳам, режалар қўлами ҳам катта. Вилоятдаги туризм соҳасига ихтисослашган таълим муассасаларидан 200 га яқин волонтер хорижий тил билиш даражасига кўра саралаб олинди. Улар махсус дастур асосида ўқитилляпти. Шунингдек, вилоятдаги ресторон, меҳмонхоналарда хизмат кўрсатувчи ходимлар учун ҳам Ошпазлар уюшмаси ва Меҳмонхоналар ассоциацияси билан ҳамкорликда икки кунилик ўқув ташкил қилинди.

Бу сафар фестиваль тадбирлари ўтадиган ҳудудларнинг ландшафт дизайнига алоҳида эътибор берилляпти. Чунки диди нозик меҳмонлар гулларнинг нави, чиройигагина эмас, гул композицияларидаги инновацион ёндашувларга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Шу маънода, ҳар бир ҳудуд камалакранг анвойи гуллар ва бетакрор шакллар билан безатилляпти. Жазирама кунларда оқшомда сайр этишни инстаграм учун тунги ёритиш тизимидан унмал фойдаланилади. Зеро, турфа ёғдули композициялар тунда янада гўзал кўринади. Албатта, бу борада ҳам масъуларнинг юқори дизайнерлик маҳорати еса этади.

Бажарилган ишлар, янгича ёндашувларни глобал ахборот майдонида кенг тарғиб этиш — бугунги кун талаби. Шунинг учун масъулар янги босқичда ишлаши шарт. Фестиваль учун алоҳида сайт яратилаётгани бу борадаги уринишларнинг бир кўринишидир. Сайтада чипталарни сотиб олиншдан тортиб, барча хизмат турлари ҳақидаги маълумотлар жойлаб борилади.

Ўтган йили фестивалнинг фото ва видео-материаллари илк бор халқаро очққ медиа платформаси — “Wikimedia Commons” омборига юкланди. “Wikimedia Commons” — бутун дунё фойдаланувчилари учун бепул очққ бўлган тасвир, видео ва бошқа медиафайллар жамланмаси. У Wikimedia жағмарасининг асосий лойиҳаларидан. Хуллас, платформа орқали Наманганнинг бетакрор манзаралари, фестивалдаги гўзал лаҳзалар ва маданий аъналар дунё эътиборига кенг намоиши этилади. Бу билан гуллар шаҳри — Наманганнинг туристик салозиятига халқаро миқёсда баҳо берилади. Қолаверса, очққ ахборот платформалари воситасида миллий қадриятларимизни дунёга танитишда ҳам янги имкониятлар эшиги очилади.

Муножат МҶМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ҒОР ҲИҚМАТИ ВА ЭКОЛОГИК ТАФАККУР

Мушоҳада

Куннинг иссиғига қарамай, эғнидаги чопони ва бошидаги қишки телпагини қўймайдиган Ҳамро бобо хитоб этади: “Қани, полвон, қоринмойни олинг”. Нимкоронги ғор ичида мўйсафидга юзланаман. У қўлидаги қоринмойни менга тутқазади. Қоринмой — қўй ёки эчкининг қорнидан қилинган идишга солинган сариёғ. Бундай идишда сақланган сариёғнинг мазаси бошқача бўлади. Омонхона зиёратгоҳи яқинидаги қишлоқ одамлари қоринмойни қишга сақлаш учун шу ердаги ғордан фойдаланади. Ғор — табиий совиткич. Ёзда унинг ичи салқин, қишда иссиқ бўлади. Шу сабаб сариёғ ғорда кузакнинг салқин шабадаси эсгунча сақланади. Ғор унчалик катта эмас. Ичи ўтовни эслатади. Ғор пастанда тепага қараб торайиб кетган. Унинг тепа қисмида бир одам зўрға сиғадиган ёриқ жойи бор, ягона эшиги шу.

Эмишки, кимдир ғордан ўзига тегишли бўлмаган сариёғни олиб кетмоқчи бўлса, у ёғини қисиб қолди. Маҳаллий аҳоли орасида ғор қисиб қолган одамлар ҳақида турфа гаплар юради. Назаримда, бу инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар қадимий кўринишининг бутунгача яшаб келаятган мағик шаклидир. Асримиз ёшлари бундай мағик ҳодисаларга унчалик ишонмайди. Зеро, техник тараққиёт тўхтовсиз ахборот тизими сабаб тафаккурини

мизда кўриниб турган нарсаларгагина ишонин керак деган қарашни шакллантирди. Бу биринчи пайдо бўлиб қолгани йўқ, албатта. Илм-фан тараққий этиши баробарида техникага яқинлашиб, табиатдан узоклашиб бордик. Мабуот нигоҳи доим долзарб муаммоларга қаратилган бўлади. Миллий матбуотимиз ҳам узок йиллар экологик масалаларни кун тартибига қўйиб келди. Очиги, бундай чиқишлар кўпинча кумга сув сепгандай бесамар кетгани



ҳам рост. Негаки энди одамларни тошнинг қисиб қолиши, сувга туфлаган одамнинг юзига доғ тушиши каби мағик қарашларга ишонтириб бўлмасди. “Хўш, бундай вақтда нима қилиш керак? Экологик маданиятни қандай қилиб шакллантирса бўлади” каби саволларга битта жавоб бор. Бу ҳам бўлса, **одамларни табиатга яқинлаштириш керак!**

Бугун табиатга яқинлашиб бораётганимиз қувонарли. Масалан, битта дархтнинг ноўрин кесилиши кенг жамоатчилик диққатини ўзига тортяпти. Ёки кейинги йилларда ҳайвонларга шафқатсиз муносабатда бўлиш,

ноқонуний ов борасида ҳам худди шундай гапларни айтсак бўлади. Ўғри, ҳали чиқиндини жойига ташлаш каби жиҳатларда камчилигимиз бор. Аммо юқорида айтилган ижобий натижага қандай эришдик? Келинг, бу саволга атрофлича жавоб излаб кўрсак.

Биринчидан, сўз эркинлиги. Кейинги йиллардаги фикрларни бемалол айта олишимиз масалани аниқ, манзилли қилиб кўтариш имконини бери. Матбуотимизда фалон вилоят, туман масъуларининг бепарволиги сабаб дархтлар кесилляпти деган чиқишлар қўлайди. Муҳими, дархт билан боғлиқ муаммо давлат

рахбари томонидан айтилди ва аниқ ечим тақлиф қилинди. Яъни Оролнинг қуриган тубидан қанча чанг кўтарилаётгани, бу қанчалик зарар экани илмий асосда аниқ факт билан тан олинди. Сўнг масалага ечим қилиб Оролнинг қуриган тубига шўрга чидамли ўсимликлар экиш ташаббуси илгари сурилди. Айни пайтда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасига асос солинди. Буларнинг барчасини жамиятимиз кўриб, кузатиб турган эди.

Ана шу кузатувлар ҳосиласи ўлароқ, демак, дархтларсиз ҳаётимиз тўқис бўлмас экан деган яқдил қараш шаклланди.

Ишончли манбадан, далиллар билан келган ва ҳаётда тасдиғини топаётган ахборотнинг таъсири қучлироқ бўлади. Дархтлар билан боғлиқ бирдамлигимиз шу зайида юзга келди, назаримда. Бу орқали одамларимиз табиатга яқинлашди.

Айтганча, ўшанда ғор ичида туриб ўзимни қоринмой ўтирлаган инсон сифатида тасаввур этиб кўрдим. Билдимки, агар ўғрилиқ қилсам, ўша вақтда ич-ичимда қандайдир кўрков, ҳасот уйғонарди. Кўрққан одам танасида эса сезиларли ўзгаришлар содир бўлади. Хусусан, нафас олиш қийинлашади, бош оғрийди, қишлоқ уриши тезлашади ва оёқ-қўл ҳаракати заифлашади. Инсон назоратини йўқотиб, сароб туйғулар асригача айланиши ҳам мумкин. Бу, албатта, кўрққунинг қай даражада қучли эканига боғлиқ. Бунинг барчасини замонавий тиббиёт

тасдиқляйди. Ғорнинг тор оғзида ўғрилларнинг ушланиб қолиш сирини шу!

Бугун одамларни кўрков билан табиатга яқинлаштириб бўлмайди. Шу боис, уларда меҳр уйғотиш керак. Айни сабаб туйфайли ҳам жорий йил юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” деб эълон қилинди. Бу инсонларни табиат билан ҳисоблашиб, уни аслидай асрашга бўлган катта қарқирдир.

Шу ўринда қизик факт. Қадим Юнонистонда ва Римда шаклдор гулзорга гулларни шундай экишган эканик, уларга қараб вақтни билиш мумкин бўлган. Яъни гулларнинг жойлашуви ва очилиш фурсати вақтни кўрсатишга хизмат қилган. Яқинда пойтахтимизда гуллар фестивали бўлиб ўтди. Наманган вилоятинда ҳам аънаанага айланган гуллар фестивали бўлиб ўтиш арафасида.

Унда халқимиз бетакрор гўзалликка гувоҳ бўлади. Ана шу нафис чечаклар каби кўнгли ҳам ёришади. Бундай туйғу одамни заминга, табиатга янада яқинлаштиради. Ўзи унинг кичик зарраси эканини англайди. Бу энди ғор қисиб қолиши каби ҳолатдан кўрков эмас, қалбнинг туб-тубида уйғонган ва осонликча йўқолмайдиган меҳриб.

Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ҒАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлғемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-546.
36390 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. **Объет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаҳҳис: Аслидин Абдуразақов
Дизайнер: Хуришд Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА якуни — 22:30 Топширилди — 23:00